

У кулолмади



09:00 / 12.05.2021 3116

Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳнинг олдида бир ҳадис ривоят қилинди. Унда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кулганлари ҳақида гап бор эди. Ҳадисни ривоят қилаётган ровийлар ҳам кулишарди. Аммо Салоҳиддин кулмади. Ундан бунинг сабабини сўрашганда, «Ал-Ақсо салбчиларнинг қўлида асир экан, мен қандай куламан?» деди.

У кулолмади. Чунки муаммони чиндан ҳис қилиб турганди. У фаластинликларга ҳамдардлик изҳори учун ўзини сиқилаётган қилиб кўрсатмаётганди. Уларнинг туйғуларини ҳурмат қилиб оғриқни сезаётганини даъво қилмаётганди. Балки у чиндан ҳам фаластинликлар

каби изтиробда эди. Улар каби аламни туяётганди. Гўё у фаластинликлар танасидан ажралмайдиган аъзо каби эди. Бир тананинг аъзоси бўлган киши эса ўша тана оғриси, оғриб, ўша тана шод бўлса, шодланиб, ўша тана маҳзун бўлса, маҳзун бўлади. Тананинг аъзосидек бўлган киши бундай ишларни сохталик аралаштирмай қилади.

Агар биз ҳам Фаластин, Яман, Сурия, Шарқий Туркистон, Бирма каби давлатлардаги мусулмон биродарларимиз ҳолини, уларнинг бошига тушаётган зулмларни ҳис қила олсак, уларга ҳамдардликни фақат пост ёзувчи қўлимизу ёзувни кўраётган кўзимизнинг ўзи билангина изҳор этмай, қалбимиз ҳам улар тортаётган оғриқни ҳис қилса, кулишга, турли ўйин-кулгулар билан вақт ўтказишга қийналиб қоламиз.

Миср ҳукмдори бўлган Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ 1187 йилда салбчиларни мағлуб этиб, шу йилнинг ўзида Аллоҳ таолонинг фазли билан Қуддусни салбчилардан озод этди.

Рамазоннинг улуғ кунларида Масжидул Ақсо атрофида фаластинлик мусулмон биродарларимиз исроиллик золимлар томонидан зулмга учраптилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

مُؤَيَّلٌ مُرَّحًّوٌّ اٰمِّنٌ اِنَّا نَوْمُلْ اٰطَلَا لِمَعْيِ اَمَّعَ اَلْفَاغَ لَلَّ اَنَّ بَسَّحَتْ اَلْوِ
رَاَصْبَ اَلْاِهِي فُصَّحَتْ

«Ҳаргиз Аллоҳ золимлар қилаётган амаллардан ғофил деб ҳисоблама. Фақат уларни кўзлар қотиб қоладиган Кунга қолдирадир, холос» (Иброҳим сураси, 42-оят).

Аллоҳ таоло дунёнинг турли нуқталарида зулмга учраётган мусулмон биродарларимизга нусрат берсин, мусулмонлар яшаётган барча юртларда тинчлик бўлишини насиб этсин, золимларга, золимларнинг жиноятларини қўллаётганларга, тарафдор бўлаётганларга Ўзи кифоя қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади